

ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ СОЦИОМАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Бабаев Ш. -

ЎзМУ мустақил изланувчиси

Ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида хайрия кўп асрлик тарихга эга. Асрлар давомида хайрия фаолиятининг турлари ва шакллари ривожланди, нафақат унинг субъектлари ва объектлари ўзгарди, балки одамларни фидокорона ижтимоий ёрдам кўрсатишга ундайдиган қиймат ва семантик кўрсатмалар тизими ҳам ўзгартирилди. Шунга қарамай, хайрия фаолиятининг асосий мақсади ўзгаришсиз қолди ва кўпинча ижтимоий-фалсафий тадқиқот объектига айланди. Бироқ, уларнинг кўп жиҳатлари ҳали ҳам ноаниқ. Хайрия муаммоларини ўрганиш дунёнинг кўплаб мамлакатларида (АҚШ, Германия, Буюк Британия ва бошқалар) амалга оширилади. У амалий аҳамиятга эга бўлди, хайрия тизими кўпинча давлатнинг ижтимоий сиёсатини алмаштиради. Бу билан нафақат хайрия ташкилотлари, балки ихтиёрий равишда кишилар ҳам шуғулланади. Бугунги кунга келиб, хайрия механизми шу қадар мураккаб ва кўп қиррали бўлиб қолдики, у батафсил илмий ўрганишни талаб қилади.

Хайрия фаолиятининг шаклланиш масалаларини назарий нуқтаи назардан ўрганиш алоҳида олинган давлатлар кесимида аксарият диний теологик қарашлар доирасида бўлганлигини кўрамиз. Ушбу жараёнлар маълум давлатлар, халқлар тарихида бурилиш даврида айниқса яққол кўзга ташланади. Худди шундай шароитларда кишилар нафақат давлатлар ёки расмий институтларнинг балки норасмий ёки хайрия фаолиятига асосланган ижтимоий институтлар ёрдамига мурожаат қиладилар. Бунда, хайрия фаолияти социомаданий, маънавий-маърифий ҳодиса сифатида илмий мазмун касб этади.

XX асрнинг дастлабки чорагида содир бўлган ижтимоий, сиёсий тўнатарошлар фониди хайрия фаолияти ўзининг асл миллий, маданий руҳиятидан узоқлашиб қолмасдан, бирмунча муддатга ушбу анъана турғунликка учади. Сабаби, оддийгина бўлиб, ўз даврида кучли сиёсий инқирозлар боис, аҳолининг катта қисми қашшоқлашди. Хайрия қилиш имконига эга бўлган ўзига тўқ қатламлар эса синфий курашнинг қурбонларига айландилар. Хайрия анъаналарининг айрим шакллари йўқотилиши эса мамлакатнинг маънавий тараққиётига салбий таъсир кўрсатди. Авлодлар алмашинувида ворисийлик занжирларига зарба берди.

Собик иттифоқ даврида унинг таркибига кирган халқларнинг диний, мадаий анъанаси саналган хайриyani патернализм ва этакартия шаклида давлат ўз зиммасига олди. Сиёсий мафкуранинг қуролига айлаган давлатнинг “оталарча ғамхўрлиги” фониди анъанавий равишда кечдагина хайрия фаолияти кескин тушиб кетди. Бу даврда хайрианиннг ихтиёрий фаолият тури сифатида ўрганиш унинг ижтимоий, маданий, маънавий ахлоқий мерос сифатида ўрганишга бўлган зарурат тушиб кетди.

Методология. Қадимги Юнонистонда Ксенофонтнинг (мил.авв. 425-336 йй) “Ойкономика” (қадимги юнонча – *οἰκος*-уй, *νομος*-қонун, яъни “уй хўжалигини юритиш тартиби”) асарининг 1-боб, 22-бандида оғир меҳнат натижасида кучдан қолиб, яроқсиз ҳолга келиб қолган ночор қатламларга ғамхўрлик қилинмасдан тақдир тақозосига ташлаб қўйилиши кескин танқид қилинган[1].

Юнон мутафаккири Аристотелнинг (мил.авв. 384-322 йй) “Сиёсат” асарида эса давлатдаги ижтимоий барқарорлик турли қатламлар учун истисносиз тенг имкониятлар яратилиши билан шартланади. Унда демократик бошқарув усули айнан ижтимоий ночор кишилар манфаатларини ҳимояловчи тузилма сифатида тавсифланади[2]. Аристотель инсондаги гўзал сифатлар, фазилатлар ҳақида гапирар экан, “саховат фазилати шундай, сахий одам бошқа неъматларни қўлга киритади ва бошқаларга ҳам яхшилиқ қилади” – дейди.[2] Унингча, бағрикенглик, дарёдиллик (*megalopsihia*, мегалепсихия) – хайр-саховатда мардона ишлар қилишдир. Сахийлик (*megaloprepea*, мегалопрееа) – кўп микдорда хайр эҳсон, савоб иш қилишдир.

Хайрия тарихи ҳақида Биринчи (маърифий - IX-XII асрлар) ва Иккинчи (Темурийлар XIV-XV асрлар) Ренессанс даврида ночорликдан азият чекувчиларни қўллаб-қувватлаш масаласида маърифатпарвар мутафаккирлар ва давлат арбоблари ижтимоий қарашларида муқобил ёндашувлар шаклланди. Хусусан, Абу Наср Форобий, Хўжа Баҳовуддин Нақшбандий, Нажмиддин Кубро ночорликни «тақдири азал», ўзгалар ёрдамига умид қилишни эса «боқимандалик», деб билдилар. Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Хўжа Аҳмад Яссавий, Хўжа Ахрор Валий, Юсуф Хос Хожиб, Низомулмулк, Алишер Навоий ҳазратлари илмий меросида аксинча, «ожизлар», «ғариблар» манфаати учун қайғуриш ижтимоий адолат мезонларидан бири сифатида тавсифланди. Давлат арбобларидан қорахоний Иброҳим ибн Наср, кейинчалик Соҳибқирон Амир Темур ва унинг авлодларидан Умаршайх Мирзо, Улуғбек Мирзо, Заҳируддин Муҳаммад Бобур даврида аҳолининг турли қатламлари ўртасида ижтимоий адолатни таъминлашда катта ютуқларга эришилди. Ижтимоий тенгсизликни бартараф этиш муаммолари жаҳид маърифатпарварлари Аҳмад Дониш, Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов ва бошқаларнинг илмий ижодида ифодаланди.

Асосий қисм. Жаҳид маърифатпарварларининг асарларида жамиятдаги ижтимоий кескинликлар фонида оддий аҳолининг турмуш тарзи моҳирона очиб берилди. Хусусан, Абдулла Авлоний ўз даврининг кескин ижтимоий-иқтисодий тенгсизликлар ва жамиятдаги биқик ижтимоий муҳитни тавсифлаб берди. Абдулла Авлоний “Дангасалик, ялқовлик, ишсизлик устимиздан босуб бўғмак истарар. Ажабо! Бизлар ҳамон бу эскича ромка орасидан чиқуб қочмак истамаймиз. ... зироат, саноат ва тижорат ишларига моҳир кишилар етушуб, замонга мувофиқ равишда иш юритилса, тартиблик “Дору-л ятим” етимхоналар, “Дору-л ожизин” камбағалхоналар, кутубхона, қироатхоналар очилса, ширкат (товаришество)лар барпо қилинса, халқимиз орасидан замонга лойиқ, улум ва фунундан бохабар уламоларимиз кўпайса, оч ва яланғоч кишиларимизнинг маишатларини тузутмак учун ҳаракат қилинса, ўқутилса, ахлоқ ва одоб ўргатилса, шул вақтида эскинча орасидан чиқуб, ҳақиқий маданият бўстониға юзлонғон ҳамда маданият тўлқунларидан қутулуб, соҳили саломатға чиқғон бўлур эдик”[1, – Б. 219-220].

Туркистонда аҳолининг муҳтожлик даражасига тушиб қолишда салбий иллат даражасига етиб қолган урф-одатларнинг турмуш тарзига чуқур сингиб кетиш омилини алоҳида кўрсатиш зарур. Бу борада, Маҳмудхўжа Бехбудий ўзининг “Аъмолимиз ёинки муродимиз” мақоласида [2, – Б. 130-132]. “Бечора косибни аъмоли тўйдур. Ўзи роҳат юзи кўрмайдур. Кеча кундузни 18, балки 20 соатни меҳнатға ўтқаратургон косибларимиз бордур. Ўн ва йигирма саналар меҳнат ва машаққат этар ва худодан ўғил тилар, тўй қилмоқлик учун. Ана, бечорани аъмоли. Йигирма саналик меҳнати уч кун тўйда тамом” – деб ижтимоий иллат даражасига етган исрофгарлик ҳақида ачиниб гапиради [3, – Б. 158-159].

“Бизни кемигрувчи иллатлар” мақоласида одатларимиз, шу тўй ва таъзия исминдаги девоналигимиздан иборатдур[4, – Б. 338-342]. Бир дўкончи, бир гулкор, бир фақирҳол, бир косиб учун битта тўй ва таъзиялар ўлумдан қатиғдирки, мунинг учун бечора ҳар кун ўлур. Ҳар кун ўлғон илада қутулмас. Ўзидан сўнгра аҳлу аёлиға бир йўқсуллик ва бу мусибатни мерос қўяр. Бир ҳавлида, бир рўзғорда, масалан, икки ўғул, икки қиз бор. Ато ўлса, ани моли тўрт бўлунур. Аларни ҳар бириға никоҳ ва хатна ва ўлум муғаррардур. Ўзларини замонча илми ва ҳунари йўқки, контурға, маҳқамаға, бонкаға кириб вазифа олса. Энди лоилож атторлик ва ё баққоллик ва у бўлмаса, муздурлик ва мардикорлик қилиш лозим келиб, шу ишлардан фақат аларнинг қорни тўйдур. Ортдурмоққа йўқ. Мунинг устига тўй ва таъзия деган даҳшатлик балолар келгандан сўнгра бу азиз оила ва рўзғорға ёниб кул бўлмоқдан бошқа илож йўқ” – деб ўз замонасининг аччиқ ҳақиқатини фош этувчи фикрларини билдириб ўтади [5, – Б. 192-193].

“Эҳтиёжи миллат” мақоласида [6] “...бошқа миллатларни бойлари фақир ва етимлар учун мактаб ва дорилфунунлар соладурлар, фақир ва етимларни ўқумоғи учун вақф “истепендия”лар таъйин қилур. бизникилар жуфт оти–ла, аробаси–ла, тўйи илав ва ...ла Фаҳр

этар. Хулоса, мактабимиз, дўконимиз, корхонамиз, мадрасамиз ва ҳар нимарсамизни замонча ислоғи лозимдур” [7, – Б. 202].

Мунавварқори Абдурашидхонов “Исроф ўринсиз ва зарурациз ерларга молни сарф этмакдир. Бухл (бахил, хасис) энг зарурий ерлардан ҳам молни қизғанмоқ ва аямоқдур. Саховат эса ҳар иккисининг ўртаси бўлиб, молни зарур ва фойдалиқ урунларга сарф қилуб, зарурсиз, фойдасиз урунлардан сақламоқдур. Саховат қилғувчини сахий ва жўмард дейилур”.

Муннавар қори ўзининг “Ўрунли саховат” мақоласида бир бойнинг тўй қилмоқ ниятида масалаҳатини баён қилади. Унинг мазмунига мувофиқ, тўй деган бир саховатда фақир, муҳтож, оч ва яллонғочларнинг ҳақларидур. Халққа ош бермоқ учун сарф қилинадурғон ақчаларимни мактаб ва мадрасаларгага, фақир ва муҳтожларга улашиб, ўғлимни суннатга мувофиқ хатна қилдирсам дейман”[8, – Б. 79]. Мунавварқори Абдурашидхонов бошчилигида 1909 йилда “Жамияти хайрия”, 1913 йилда “Турон” жамғармалари ташкил қилиниб, бадавлат ҳомийлар ва ихтиёрий шахсларнинг хайрия ва эҳсон пулларидан тушган маблағларни муҳтож кишиларнинг моддий маиший аҳволини яхшилаш йўлида хайр эҳсон қилинган. Уларга имтиёзли хизмат кўрсатувчи шифохоналар, ошхона, ижтимоий бошпана тураржойлари қурдирилган[9].

Натижа ва таҳлиллар. Ўтган асрнинг бошларида юртпарвар, миллатпарвар жадидлар янгилашиш ва эркинлик, адолат ва тенглик, илм маърифат ва миллий ўзликни англаш ғояларини илдам тарғиб қилиб бошладилар. Уларнинг мақсади жаҳолат ва қоқоқлик гирдобиди қолиб келаётган Туркистон халқини дунёвий илм фан, илғор касб ҳунарлар билан қуроллантириб, умумбашарий ривожланиш йўлига олиб чиқишдан иборат бўлди. Зеро, ушбу даврда Туркистон ўлкасида ижтимоий-иқтисодий парокандалиқ кузатилиб, натижада аҳолининг терли қатламлари орасида ижтимоий тенгсизлик ва адолацизлик масалалари кескинлашди.

Жадид маърифатпарварлари инсоннинг муҳтожликка тушиб қолиши ижтимоий воқелик билан узвий ҳолда кечувчи объектив (ташқи муҳит) ва субъектив (ички, шахсиятга дахлдор) омилларга чамбарчас боғлиқ, деб билганлар. Бунда иллат даражасига етиб борган асл мазмун-моҳиятидан буткул узоклашган урф-одатларнинг ижтимоий зарари ошиб борган.

Жадид маърифатпарварлари маҳаллий аҳолининг кундалиқ ҳаёти, ғам-ташвишларини талқин қилиш билан чекланмай, ўз халқи, миллат келажиги, истикболи, моддий маънавий тараққиёти учун қайғурдилар. Жадид маърифатпарварларининг жафокашлиги, миллат учун қайғуриши боис, ўрганилаётган даврларда аҳолининг муайян қисми дунёвий таълим-тарбия ва илмга йўналтирилди. Бу узокни кўзлаган мақсадлар бўлиб, маълум вақт ўтиши билан янги авлодларнинг тарих сахнасига кириб келиши, кейинги авлодлар тафаккурида кутилган ижобий ўзгаришларга туртки берди.

Хулоса. Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, тарихий тараққиётнинг ушбу даврида мамлакатимизда аҳолининг меҳнат қобилиятига эга бўлмаган, имконияти чекланган қатламлари, яъни, етим-есирлар, бева-бечоралар, қариялар, ногиронларни ижтимоий муҳофазалаш шариат ва диний қонун-қоидалар асосида инсонпарварлик, саховатпешалик, хайр-эҳсон шаклида жамоавий турмуш тарзининг ажралмас қисми бўлган.

XX асрнинг дастлабки чорагида содир бўлган ижтимоий, сиёсий тўнатартишлар фониди хайрия фаолияти ўзининг асл миллий, маданий руҳиятидан узоклашиб қолмасдан, бирмунча муддатга ушбу анъана турғунликка учеди. Хайрия анъаналарининг айрим шакллари йўқотилиши эса мамлакатнинг маънавий тараққиётига салбий таъсир кўрсатди. Авлодлар алмашинувида ворисийлик занжирларига зарба берди. Худди шундай шароитда хайрия фаолияти ҳисобидан камбағаллар, қарздорларга қўмаклашиш, оч-наҳорлар, етим-есирлар ва бева-бечораларга озиқ-овқат улашиш мақсадида фойдаланилди.

Хайрия фаолиятининг замонавий шакллари социомаданий ҳодиса сифатида уларнинг сақланиб қолишига хизмат қилувчи ижтимоий маданий омиллар хайрия фаолиятининг тарихий динамикасини очиб беради ва унинг ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида чуқур илдизлари ва маънавий-ахлоқий анъаналарининг давомийлигини таъминлайди. Шунингдек,

хайрия фаолиятининг ижтимоий аҳамиятини даврлар ошиб ўсиб боришидан гувоҳлик бераса, иккинчидан хайриянинг фаолият тури сифатида институционал асослаш имкониятини оширади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Авлоний Абдулла. Маданият тўлқунлари. – Тошкент: Маънавият, 1998. – Б. 219-220. (304 б).
2. “Ойна” журнали, 1913 йил 6-7 сонлар. – Б. 130-132.
3. Бехбудий М. Аъмолимиз ёйинки мурудимиз. – Тошкент: Маънавият, 2006. – Б. 158-159.
4. “Ойна” журнали, 1915 йил. 13 сон. – Б. 338-342.
5. Бехбудий М. Бизни кемигравчи иллатлар. – Тошкент: Маънавият, 2006. – Б. 192-193.
6. Самарқанд газетаси, 1913 йил 12 июль сони.
7. Бехбудий М. Эҳтиёжи миллат. – Тошкент: Маънавият, 2006. – Б. 202.
8. Мунаввар қори Абдурашидхонов. Танланган асарлар. /Исроф, бухл ва саховат. – Тошкент: Маънавият, 2003. – Б. 79.
9. Хайринисо Тайиrowна Хусанова. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш – инсон капиталини ривожлантириш омили сифатида // Academic research in educational sciences. 2022. №NUU Conference 2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/a-olini-izhtimoiy-imoyalash-inson-kapitalini-rivozhlantirish-omili-sifatida>
10. Муминов А.Г., Муминов О.У. Проявление исторической эмпатии узбекским народом // Журнал Белорусского государственного университета Всемирная история, 2025, №2, С. 21-27

РЕЗЮМЕ:

Мақолада XX асрнинг дастлабки чорагида Туркистон ўлкасида хайрия фаолиятининг шаклланиш масалалари илмий-назарий нуқтаи назардан ўрганилган.

Калит сўзлар: хайрия, эҳсон, жаъдидлар, маърифатпарварлик, тенглик, адолат, ижтимоий ҳимоя, саховат.

РЕЗЮМЕ:

В статье с научной и теоретической точки зрения рассматриваются вопросы ведения благотворительной деятельности на территории Туркестана в первой четверти XX века.

Ключевые слова: благотворительность, пожертвования, инновации, просвещение, равенство, справедливость, социальная защита, щедрость.

RESUME:

In the article, the issues of conducting charity activities in the territory of Turkestan in the first quarter of the 20th century are studied from a scientific and theoretical point of view.

Key words: charity, donation, innovations, enlightenment, equality, justice, social protection, generosity.